

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 18 декабрь • № 51 (670)

2010 йил — Баркамол авлод йили

КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛОТИГА БЎЛГАН МАСЪУЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда 2010 йил — Баркамол авлод йили, дея эълон қилинди. Юртбошимиз ўз маърузаларида эзгу ниятлар мужассамлигида, аввало, фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туришини таъкидлаб ўтдилар.

Аҳамият берадиган бўлсак, ҳар йилимизнинг ўзига хос ном билан аталиши негизда ҳам соғлом авлодни тарбиялаш, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болалиқни муҳофазалаш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни излаб топиш, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитларни яра-

тиш давлатимиз олдида турган устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Шу боис, Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши айнан юқоридаги эзгу мақсадларнинг кенг қамровли ва умуммиллий манфаатларнинг мантикий қадомидир. Фармойишда ҳам «Соғлом она — соғлом бола» дастурини амалга ошириб бо-


ришни таъминлаш, болалар спортини янада ривожлантириш, ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини жорий этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, иқтидор эгаларини кашф этиш ва кенг йўл очиб каби вазифаларнинг белгилаб олиниши кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, мустахкам ва ҳар томонлама ривожланган давлат пойдеворини, Президентимиз таъбири билан айтганда, баркамол ва соғлом авлодгина барпо эта олади. Шундай экан, барчамиз олдимизда турган эзгу ва хайрли ишларни амалга оширишда масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Намоз ТОЛИПОВ.

Истиқлол фарзандлари

ЮРТИМ САРВАРИ БЎЛ, БОЛАЖОН!



Дард кўрмагин асло Болажон,
Соғлом ўсгин, доим бўл омон.
Соғ таңдаги соғлом ақлингдан,
Буюк бўлсин юрт — Ўзбекистон.

Чалинмангиз дардга Оналар,
Қувонч бўлсин сизга болалар.
Фарзанди соғ, билимли бўлган,
Элга келмас асло балолар.

Сайлов — 2009

ОШКОРАЛИК ВА ОЧИҚЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ, ҳар бир давлат юксалиш борасида ўзига хос тараққиёт йўлини танлайди. 1991 йилда мустақилликка эришган мамлакатимиз ҳам шу қондага амал қилган ҳолда истиқлол ва ривожланиш манзилларидан бориб, мана 18 йилдирки, ўшбу тараққиёт йўлидан дадил одим ташламоқда. Бу ягона мақсад — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдир.

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мустақиллигимиз ҳуқуқий Комиси — Бош Қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шу демократик давлат яратилишнинг ҳуқуқий пойдеворига замин яратди ва 1992 йилдан буён бу пойдевор юксалмоқда ҳамда қонуний асосда мустахкамланмоқда.

Бугунги турмушимиз ривожиди, халқимиз тақдирини Конституциямизнинг аҳамияти катта, чунки, унда давлат ва жамият тузилишининг шакллари, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари келтирилиб, тинчлигимиз ва оқсоқчилигимиз асослари белгилаб берилган.

Ана шундай сиёсий ҳуқуқларимиздан бири Конституциямизнинг VIII боб 32-моддасида келтирилган, яъни: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат ишларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

Мана шу модданинг ўзи ҳам

ларга 15 та депутатлик ўрни берилди. Бу йилги сайловлар аввалгиларидан фарқ қилади, яъни бу профессионал парламентга сайлов демокдир, қолаверса, бу сайловларда ўзининг билими, дунёқараши, бутун куч-ғайрати ва шижоатини қонун ижодкорлигига йўналтирган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг муносиб сайловолди кураши бўлади.

Ана шундай халқ манфаатларини парламентда муносиб ҳимоя қилувчи, Ватан тараққиёти, жамият раванқини юксалтиришда ўзининг хусусини қўшадиган муносиб номзодларни халқ танлайди ва сайлайди. Бу эса Конституциямизда «Фуқаро — жамият — давлат» ўртасида ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини кўрсатувчи 117-модданинг қуйдаги сатрларида ўз ифодасини топган:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади...».

Искандар ХОДЖАНОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор,
Шоира КОДИРОВА,
катта ўқитувчи.
Тошкент тиббиёт академияси.

Шеърят

ЯШНАСИН, ГУЛЛАСИН ДЕЯ ХҲҲР ЎЛКАМ

(Сайловга бағишлов)

Яшнасин, гулласин дея хур ўлкам,
Яшасин дунёда инсон шод, хуррам,
Иймон, эътиқодни қилиб мустахкам,
Оламда тинчликка овоз берамиз!

Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!
Беш бармоқ бирлашса, бир мушт, куч бўлар,
Ғанимлар нияти барбод, пуч бўлар,
Ҳалокат, офатга албат дуч бўлар,
Оламда тинчликка овоз берамиз,

Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!
Узукка кўз бўлар номзодимиз бор,
Элнинг юзи бўлар шерзодимиз бор,
Қалби дарё, қадди шамшодимиз бор,
Оламда тинчликка овоз берамиз,

Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!
Соғлом миллат — соғлом келажақ эрур,
Соғлом юртда гуллар, чечаклар унур.
Баркамол авлодла, эл кучга тўлур,
Оламда тинчликка овоз берамиз,

Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!
Оламни англамоқ фурсати етди,
Одамни танламоқ фурсати етди,
Қалбларимиз меҳру муҳаббатга тўлиб,
Оламда тинчликка овоз берамиз,
Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Искандар РАҲМОН.

Бирламчи тиббий санитария хизматига ёрдам

ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК ИШНИНГ СИФАТИГА БОҒЛИҚ



Ильсун ЗИГАНШИН,
Тошкент тиббиёт
академияси 3-клиникаси
бош шифокори
ўринбосари:

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус фармойишига асосан Тошкент тиббиёт академияси 3-клиника мутахассислари Сирдарё вилоятидаги Мирзаобод туманининг «Тошкент», Гулистоннинг «Юлдуз», Сирдарёнинг «Навоий» ҳамда «Маманов» ва Сайхунбоднинг «Галаба» қишлоқ врачлик пунктларига бириктирилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад – мазкур ҚВПларда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ва аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда шу муассасаларни намунали ҚВПларга айлантиришдан иборат эди. Клиникамизнинг малакали акушер-гинеколог, эндокринолог, кардиолог, невропатолог ва окулистларидан иборат гуруҳ аъзолари билан режа асосида юқорида

Хабарингиз борки, Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлоднинг шакллантиришининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари асосида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида май ойидан бошлаб вазирлик қошида марказий штаб, туманлардаги штаблар тузилмаси ҳамда

ги ҚВПларга ўз ёрдамимизни кўрсатиб келмоқдамиз. Жумладан, шу кунга қадар жами 412 нафар бемор тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштириш тадбирлари давом эттирилмоқда. Бунинг баробарида «Тошкент» ҚВП аҳолисининг 50 нафарига лор ва офтальмолог мутахассислар ҳамда «Маманов» ҚВПсининг 60 нафар аҳолисига эндокринолог ва кардиологлар амалий ёрдам кўрсатишди. Асосий эътибор хотин-қизлар ва ҳомиладор аёллар саломатлигини яхшилаш ва соғломлаштириш ишларига қаратилмоқда. Барча қишлоқ врачлик пунктларини меъёрий ҳужжатларни юритиш йўриқномаси ҳамда касалликларни ташхислаш, даволаш стандартлари билан таъминлаб, уларга зарурий иш тажрибаларимизни ўргатиб келмоқдамиз. Клиника ходимларига бириктирилган ҚВПлардаги умумий амалиёт шифокорлари ноябрь-декабрь ойларида академия қошида ташкил этилган «Қишлоқ врачлик пункти модели»да семинар


тренингларда иштирок этиб, касб малакаларини ошириб қайтдилар. Шунингдек, ҚВПлардаги лаборантлар янги технологиялар билан ишлаш бўйича ўз билимларини бойитдилар. Жумладан, Сайхунбод туманидаги «Галаба» ҚВП лаборанти О. Бобожонов клиника марказий лабораториясида касб малакасини оширди. Айни кунда Гулистон туманидаги «Юлдуз» қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритаётган лаборант замонвий лаборатория аппаратларида ишлаш кўникмаларини ўрганмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий шифокорларга ЭКГда ишлаш ҳамда ўткир юрак қон-томир касалликларида кузатиладиган ўзгаришлар тўғрисида амалий машғулотлар ўтказилди. Яна шуни айтишимиз жоизки, бизга бириктирилган ҚВПларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси ва Республика тиббий таълимин ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган «Фертил ёшдаги аёллар профилактик кўриклари си-

низоми, шунингдек, жойларга чиқувчи ишчи гуруҳлар тасдиқланган эди. Шундай экан, соҳа мутахассислари вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига қарашли қишлоқ врачлик пунктларида хизмат сафарларида бўлиб, муассаса ходимларига амалий ёрдам ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб, керакли маслаҳат ва тавсияларни бериб келмоқдалар. Мазкур йўналишдаги ишларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Гулистон, Сирдарё ва Сайхунбод туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларига амалий ёрдам кўрсатиш учун бириктирилган Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси мутахассислари билан ҳамкорликда фаолият жараёнлари билан танишдик.

фатини ошириш – аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган муҳим омилардан биридир» ва «Лаборатор таҳлиллар кўрсаткичининг клиник аҳамияти» номи услубий қўлланмаларни тақдим этиш арасида турибмиз. Бундан ташқари, фертил ёшдаги аёлларга ҳамда аҳоли учун кўргазмалар доскалар тайёрлаб беришни режалаштирганмиз.

Биз аввало, юқорида тилга олинган қишлоқ врачлик пунктларида бўлганимизда, у ердаги самарали фаолиятлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликлар мавжудлиги бизни безғитиб қолдирмади. ҚВПлар билан танишиш чоғида уларнинг айримларида юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар, баъзи тиббий анжомлар етишмаслиги аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий ҳокимият ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти билан келишиб олинди. Ютқ бор жойда камчилик бўлиши ҳам табиий. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ушбу

қишлоқ врачлик пунктларига илк бор борганимизда кузатилган камчиликлар бўйича керакли тавсия ва маслаҳатларни берган эдик. Кейинги амалий ёрдам жараёнларида ушбу камчиликларнинг маълум бир қисми бартараф этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Лекин Сирдарё туманидаги «Маманов» қишлоқ врачлик пунктида ханузгача амалга оширилмаётган муаммо ва камчиликлардан кўз юмиб бўлмайдик. Бундай муаммоларни бартараф этишда керакли мутасадди раҳбарлар ҳам ўз ёрдамларини аямасалар, кўзлаган режаларимиз амалга ошиши мумкин. Биргина мазкур қишлоқ врачлик пунктида эмас, бошқаларида ҳам муаммо-камчиликлар йўқ эмас. Бундай ҳолатлар ўз ечимини топиши учун барчамиз биргаликда масъулиятни ошириб, керакли амалий ёрдамларимизни беришимиз зарур, деб биламан.



Омон ҒУЛОМОВ,
Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси асаб касалликлари бўлими невропатолог:

– Юртбошимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ижросини амалда бажариш ҳар бир тиббиёт ходимининг олдида улкан масъулият юклаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Уларнинг замирида инсон саломатлиги ётар экан, балки биргина тиббиёт ходими эмас, кенг жамоатчиликнинг ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишини давр талаб этмоқда. Шундай экан, вазирлигининг махсус буйруғига асосан клиникамиз мутахассисларидан иборат гуруҳ Сирдарё вилоятидаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида иш олиб бормоқда. Шу жумладан, бўлимида вакили ва гуруҳ раҳбари сифатида Сирдарё тумани «Навоий» қишлоқ врачлик пунктида (1995 нафар аҳоли) бир гуруҳ мутахассислар (невропатолог, акушер-гинеколог, офтальмолог, терапевт-кардиолог, врач-лаборант) билан сентябрь ойидан шу вақтга қадар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, турли касалликлар бўйича суҳбатлар олиб бормоқдамиз. Тиббий кўрик жараёнида асосан фертил ёшдаги аёллар ва болалар саломатлигига эътибор қаратилди. 560 нафар фертил ёшдаги аёллар, 553 нафар болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Амалий ёрдамлар жараёнида мазкур камчиликлар кўзга ташланди: ҚВП атрофидаги йўллар қонирасиз аҳволда, профилактик жиҳозлар етишмайдиган, ходимлар малакасини ошириш талаб даражасида эмас, маҳалла ва хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда маърифий ишлар олиб бориш тўғриси йўлга қўйилмаган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли ташкилот мутасаддилари билан режалар белгилаб олинди. Уйлайманки, ҳамкорликда олиб бораётган эзгу ишларимиз халқимиз саломатлиги йўлида экан, келинг, биргаликда фаолият юритиб, ижобий натижаларни қўлга киритайлик.



Мўтабар ЮЛЯХШИЕВА,
уй бекаси:

– Уч фарзанднинг онасиман. Айни кунда фарзандлар тарбияси билан банд бўлибгина қолмай, уларнинг соғлигини назорат қилиш мақсадида яқинимиздаги «Юлдуз» қишлоқ врачлик пункти тиббий хизматларидан самарали фойдаланиб келмоқдамиз. Шунингдек, ҚВПдаги катта ҳамшира Робия Исмоилова доимий равишда оиламиз саломатлигидан хабардор бўлиб, керакли ёрдамни ҳеч қачон аямайди. Келиним айни кунда иккинчи фарзандига ҳомиладор, шу боис ҚВП умумий амалиёт шифокорлари ва доядан зарурий маслаҳатларни олиб турибмиз. Оддийгина қилиб айтганда, қон таҳлилларини шу ернинг ўзида аниқлаб олмақдамиз. Оиламизнинг барча аъзолари ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Шу билан бирга пойтахтдан келган бир гуруҳ мутахассислар ҳам соғлигимизни назорат қилиб, амалий ёрдамларини кўрсатиб келмоқдалар.

Нурхон МУҲАМЕДОВА,
Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси
Марказий клиник-биохимия лаборатория
бўлими раҳбари:

– Тиббиёт йўналишида доимий изланиш ва касбий маҳоратни ошириб бориш асосий вазифа ҳисобланади. Айниқса, бирламчи тиббиёт бўғинидаги фаолиятларни янада такомиллаштириш мақсадида клиникаларга бириктирилган мутахассислар ва уларнинг амалий ёрдами борган сари ижобий натижалари билан кўзга ташланмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Тошкент» қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда, у ердаги самарали фаолиятлар билан бирга айрим камчиликлар борлиги аниқланди. Мутахассисларимиз турли йўналишда бўлганлиги боис, мен лаборатория хонаси лаборантлари билан амалий машғулотлар олиб бордим. Уларнинг иш жараёнини диққат билан кузатдим. Лаборатория таҳлилларининг қандай самара бераётганлигини амалда сынаб кўрдик. Албатта, ҚВПга келтирилган асбоб-ускуналар замонвий бўлиши билан бирга, ўзига хос мураккабликлари ҳам бор. Бунинг учун ходимлар малакасини доимий равишда ошириб туриш зарур. Шу мақсадда марказий клиник-биохимия лаборатория бўлимида ҚВП лаборантлари касб малакаларини ошириб келмоқдалар. Ундан ташқари, борган қишлоқ врачлик пунктимидаги лаборантларга Hospitex Scanner master ФЭК анализаторида ишлашни ўргатдим. Айни кунда «Юлдуз» қишлоқ врачлик пункти лаборанти бўлимда билим тажрибасини оширмоқда. Уйлайманки, ўзаро фикр алмашув ва тажриба қўламини бойитиш ҳамкорликдаги ишлар сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Саҳиба Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
СУРАТЛАРДА: амалий ёрдам жараёнларидан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.

Юртимиз тиббиёт муассасаларида

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ТАШХИС –
САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

– Нурхон Мухамедова, бир пайтлар мазкур клиникада лаборатория хизмати амалга

Таъкидлаш жоизки, республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни замирида инсон саломатлиги ётар экан, бу борада кўплаб тиббиёт муассасаларида самарали ишлар амалга оширилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб бормоқда.

Жумладан, тиббиётнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган лаборатория хизмати бўйича ҳам муйян фаолиятлар ўз самарасини бериб, беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Шундай экан, инсон саломатлигининг асосий босқичи асосан лаборатория таҳлилларидан сўнггина аниқланиб, керакли ташхис қўйилиб, даво муолажалари бошлаб юборилади. Демак, мазкур босқичга етгунча бемордаги тўғри таҳлилни аниқлаш замонавий технология ва тажрибали врач-лаборант, фельдшер-лаборантлар томонидан амалга оширилади. Бунинг учун янги технологияларда фаолият юритадиган мутахассис касбий маҳоратга эга бўлиши

тиббиёт академияси, шунингдек, клиниканинг иш режалари асосида фаолият олиб боради. Айтиш жоизки, тиббиётнинг ҳар бир йўналиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу ўринда лабо-

– Бўлимнинг замонавий лаборатория аппаратлардаги жараёнлар тезкорлик билан олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Демак, бундай янги технологиялар таҳлилий натижаларни тезкор ва тўғри аниқлашда муҳим роль ўйнаётган бўлса керак?

– Албатта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий таълим муассасалари ва клиникани техник жиҳозлаш тўғрисида»ги қарорига биноан, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича Тошкент тиббиёт академияси ректори, академик Шавкат Каримов, клиника бош шифокори Мурод Қодиров бошчилигида марказий клиник-биохимия лаборатория бўлимининг давр талабига жавоб берадиган замонавий лаборатория ускуналари келтирилди. Шу жумладан, тўла автоматлашган биохимия анализатори (SINNOWA B-300), автоматлаштирилган гематологик анализатор (BC-3000), ПЦР-лаборатория (SLAN Reat-Time PCR Defection system) каби лаборатория аппаратлар айтиш кунда таҳлил натижаларини чиқаришда ҳар томонлама кўл келмоқда.

ПЦР-лаборатория (SLAN Reat-Time PCR Defection system) аппаратида Торч инфекциялари ва гепатитнинг маркерлари текширилади.

Автоматлаштирилган гематологик анализатор аппаратида эса 19 кўрсаткичли қоннинг таҳлилий натижалари, яъни:

1. Қоннинг қизил таначалари: эритроцитлар сони, ўлчами ва

ва санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиши зарур. Айтиш кунда республика тиббиёт муассасаларидаги лаборатория хизматларининг сифатли даражада ҳамда тезкор равишда олиб борилаётганлиги кўпроқ янги технологияларнинг мавжудлиги ҳамда малака ошириб келаётган кадрлар салоҳиятига келиб тақалмоқда.

Бу борада Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси Марказий клиник-биохимия лабораториясида ҳам беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ушбу муассаса фаолиятлари билан танишар эканмиз, у ерда замонавий лаборатория аппаратларида фаолият олиб бораётган тажрибали ходимларнинг масъулиятли хизматлари ҳамда жамоада соғлом муҳит барқарор эканлигини кўриб, улар меҳнати нечоғлик ҳушёрлик ва билим талаб этишига ғувоҳ бўлдик. Шу боис мазкур лаборатория бўлими раҳбари Нурхон Халиловна Мухамедова билан суҳбатда бўлдик.

химия қон таҳлиллари олиб борилади. Унда ферментлар, билирубин, мочевино, холестерин глюкоза амилаза, К, Са, Na, Fe, триглицерид, щелочная фосфатаза, умумий оксил, холенестераза, креа-

тишга солган ҳолда самарали натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда



ПЦР-лаборатория (SLAN Reat-Time PCR Defection system) аппарати.



оширилсада, ҳозиргидек замон талаблари даражасида таъмирланмаган ва янги технологиялар мавжуд эмас эди. Эндиликда эса барча қулайликлар мавжуд бўлиб, фаолиятлар давр талаби асосида давом эттирилмоқда. Бу ҳақда фикрингиз.

– Ҳаммамизга маълумки, кейинги пайтларда давлатимиз томонидан республика тиббиёт тизимида катта эътибор қаратилиб, аҳоли саломатлиги учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Шу жумладан, Марказий клиника-биохимия лаборатория бўлимининг ҳам замон талаблари даражасида фаолият юритиб, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бўлим асосан давлатимизнинг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш тўғрисидаги қарор ва фармонлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари, Тошкент

ратория хизмати ҳар бир мутахассисдан катта масъулият ва ҳушёрлик талаб этади. Ҳақиқатан ҳам, қачонки бемордаги таҳлилий натижа лаборатория текширувидан тўғри ўтказилсагина, унга мутахассис томонидан ташхис қўйилиб, даво муолажалари бошлаб юборилади.

Авваллари лабораторияларда янги технологиялар бўлмаганлиги сабабли, текширувлар бир ёки икки кўринишда олиб берилса, таҳлил натижалари эса тезда чиқариб берилмас эди. Эндиликда эса, замонавий лаборатория ускуналари асосида бир қанча текширувлар тезкор равишда олиб борилаётганлиги беморларга катта қулайликлар яратмоқда.



Автоматлаштирилган гематологик анализатор (BC-3000) аппарати.

ҳар бир эритроцитдаги гемоглобин миқдори;

2. Оқ қон таначалари: лейкоцит – сони, ўлчами;

3. Қон пластинкалари: тромбоцитлар – сони, ўлчами.

Тўла автоматлашган 63 кўрсаткичга эга бўлган биохимия анализаторида барча био-



Тўла автоматлашган биохимия анализатори (SINNOWA B-300) аппарати.



тининкиназа, тимол пробаси каби таҳлиллар қисқа вақт давомида олинади.

Юқоридаги замонавий аппаратларда ишлаш албатта, осон эмас. Бунинг учун мутахассисда етарли билим ҳамда касбий маҳорат бўлиши зарур. Шу боис, фаолият олиб бораётган ҳар бир

Юртбошимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган фаолиятлар хусусида тўхталиб, қишлоқ врачлик пунктларига лаборатория анжомлари етказилганлигини айтганларида янада фаҳрга тўлиб кетдим. Демак, давлатимиз томонидан биз, мутахассисларга ишониб, ана шундай замонавий аппаратлар топширилаётган экан, улардан оқилона фойдаланиб, ҳалқимиз саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилиб, ёш кадрларга мазкур замонавий аппаратларда ишлаш кўникмаларини янада шакллантиришимиз зарур деб биламан. Таъбир жоиз бўлса айтишим кераки, лабораторияларда фаолият олиб бораётган мутахассисларга қандай ёрдам керак бўлса, бемалол келиб, тажриба кўламларини оширишлари мумкин.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА.
СУРАТЛАРДА: лаборатория
фаолиятининг лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.

Конспект врача

О ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИИ ЯЗВЕННОЙ БОЛЕЗНИ
ЖЕЛУДКА И ДВЕНАДЦАТИПЕРСТНОЙ КИШКИ(Продолжение. Начало
в предыдущем номере).Осложнения язвенной
болезни

Осложнения язвенной болезни подразделяются на традиционные и нетрадиционные.

К первой группе относятся: кровотечения, перфорация, пенетрация, малигнизация, пилорический (перигастрический, перидуоденит) и стеноз органа (компенсированный, декомпенсированный).

Во второй группе:

– часто- и непрерывно рецидивирующий тип течения;
– внеуловочная локализация дуоденальной язвы, часто осложняемая кровотечениями, стенозом бульбодуоденального перехода и при локализации язв в парафатеральной зоне – механической желтухой;

– рецидивирующий эрозивно-язвенный рефлюкс-эзофагит, нередко с исходом в стенозирование кардиальной части пищевода.

Кровотечение является наиболее частым осложнением язвенной болезни. Различают скрытые и явные кровотечения. В клинической картине имеют место синдромы внезапного начала, признаков сосудистой недостаточности, желудочно-кишечного кровотечения и острой постгеморрагической железодефицитной анемии. Самым важным является установление источника кровотечения и степени кровотечения. Нередко на высоте кровотечения у больных прекращается боль в области язвы (симптом Бруннера). Клинически кровотечения проявляются кровавой рвотой (рвотные массы приобретают цвет "кофе с молоком"), черным дегтеобразным стулом (мелены), нередко жидким. Необходима оценка степени кровопотери: **существует индекс Альговера = пульс/систолическое АД, в норме = 0,5 (60/120 = 0,5)**. При увеличении индекса до 1 объем кровопотери равен примерно 20%, при увеличении до 1,5 = 30%, при 2,0 = 50%. При массивных кровопотерях развивается коллапс или гиповолемический шок. Нередки присоединение признаков острой почечной и печеночной недостаточности.

Перфорация встречается примерно в 5-20% случаев и требует немедленного оперативного вмешательства. Клиника перфорации представлена острой "кинжальной" болью в эпигастриальной области, напряжением мышц передней брюшной стенки, признаками пневмоперитонеума – отсутствием печеночной тупости перкуторно, серовидной полостной воздуха под диафрагмой рентгенологически и в последующие сутки – перитонитом и резким ухудшением самочувствия больного.

Пенетрация – распространение язвы за пределы стенки желудка или 12-перстной кишки в окружающие ткани и

органы. Диагностируется по изменению клиники – изменению характера болей, диспепсическим расстройствам, появлению поносов, сухости во рту, механической желтухи и так далее. Болевой синдром изменяет свой суточный ритм, больному перестают помогать антациды.

Стеноз осложняет течение язвенной болезни в 6-15% случаев. Наиболее часто встречается стеноз привратника и постбульбарного отдела. Выделяют функциональный и органический стенозы. Стенозу характерно нарушение эвакуаторной деятельности желудка и 12-перстной кишки. При компенсированном стенозе общее состояние больных не меняется, но нередко больные отмечают чувство тяжести в эпигастрии после приема пищи, отрыжку кислым, рвоту, приносящую облегчение. Субкомпенсированный стеноз проявляется выраженной интенсивной болью в подложечной области, чувством распирания живота после приема небольшого количества пищи, отрыжкой тухлым, обильной рвотой, приносящей облегчение, наличием в рвотных массах пищи, съеденной накануне. Учащение рвоты приводит к развитию прогрессирующего истощения и обезвоживания больного, что свидетельствует о декомпенсации стенозирования. В отличие от органического, клиническая картина функционального стеноза менее выражена, и его признаки исчезают в фазу ремиссии.

Малигнизация. Считается, что 8-10% язв в последующем трансформируются в рак, однако дифференциальная диагностика данных состояний с первично-язвенной формой рака крайне затруднена.

Методы исследования

Кроме оценки клинических симптомов для верификации диагноза проводятся фиброгастродуоденоскопия, рентгенологическое исследование, желудочная рН-метрия, биопсия и проведение специфических тестов Нр.

Общеклинические анализы при язвенной болезни малоинформативны. Однако, в общем анализе крови нередко фиксируется эритроцитоз – отмечается субмаксимальное увеличение количества гемоглобина и количества эритроцитов.

Эндоскопические данные

При проведении ФГДС различают несколько стадий течения язвенной болезни: стадия обострения (СО) – характеризуется наличием язв – дефектов СО, чаще округлой и реже полигональной формы. Край язвы четко очерченные, высокие, ровные с обрывистыми склонами язвенного кратера. Вокруг язвы СО имеет вид "приподнятого валика" с отеком и гиперемией. Глубина язв различна, дно покрыто налетом (стадия "красного", "белого" рубца), при кровотечении – с гемморрагическим характером. Вне обострения на месте язв

язвенного дефекта остаются звездчатые рубцы.

Рентгенологические
признаки

При контрастировании бариевой взвесью и проведении рентгенографии и рентгеноскопии при язвенной болезни необходим целенаправленный поиск рентгенологических признаков: "ниши", или бариевого депо ("плюс ткань"); дефект в области изъязвления (наиболее патогномоничен для язвенных ниш большой кривизны желудка); дефект наполнения органа рубцового характера; симптом "указующего перста" – симптом пальцевого втяжения (региональное втяжение вследствие спазма), называемый симптомом Де Кервена – на противоположной стороне стенки желудка, реже двенадцатиперстной кишки.

Гистологические признаки

Морфологическая диагностика позволяет выявить признаки активности воспалительного процесса (инфильтрация нейтрофилами, полиморфноядерными лейкоцитами, плазматическими клетками, эозинофилами собственной пластинки и/или эпителия). При язвенной болезни с локализацией в желудке обязательны множественная биопсия из краев и дна язвы, гистология и щеточная цитология.

Диагностика Нр-инфекции

Существует множество методов определения Нр-инфекции, подразделяемые на:

1. Микробиологические – "средовые" методы диагностики.
2. Морфологические (различающиеся по видам окрасок) – с акридиновым, оранжевым, карболовым фуксином, по Гимзе, толuidиновым синим, Вартин-Старри.
3. Биохимический – "уреазный" методы диагностики.
4. Радионуклидный – с меченой изотопом углерода 14C, 13C или изотопом азота 15N.
5. Иммунологические (на выявление антител) – при помощи геммагглютинации, реакции связывания комплемента (РСК), иммуноферментного анализа (ИФА).
6. Генетические – при помощи молекулярной гибридизации ДНК, полимеразной цепной реакции (ПЦР).

Производят забор материала во время ФГДС – используют биоптаты слизистой оболочки или мазки-отпечатки, окрашиваемые впоследствии по Папаникопу или Романовскому-Гимзе. Нр могут располагаться в слизи, и существует ориентировочная шкала обсемененности слизистой оболочки, оцениваемая в 3-х степенях:

I степень – слабая (+) – до 20 микробных тел в поле зрения при х 630.

II степень – средняя (++) – до 40 микробных тел в поле зрения.

III степень – высокая (+++) – более 40 микробных тел в поле зрения.

Кроме оценки степени обсемененности оценивают выраженность воспалительных процессов, степень их активности, наличие и степень выраженности пролиферативных процессов, наличие и характер метаплазии (кишечной в желудке и желудочной в

дуоденуме, тонко- и толстокишечной в слизистой оболочке желудка и в слизистой оболочке 12-перстной кишки), наличие и степень дисплазии. Также проводится исследование на наличие атипичных клеток (с целью исключения злокачественного новообразования).

Наряду с цитологическим производят уреазный, или кампи-тест, или CLO-тест, основанный на способности изменения цвета среды в присутствии Нр (маленькое окрашивание). Кроме этого, в мире широко используется уреазный дыхательный тест (13C УДТ) – неинвазивный, абсолютно безопасный, высоко чувствительный и позволяющий контролировать лечение и оценивать эрадикацию возбудителя. Исследование проводят натощак, с интервалом в 1 минуту производят забор фоновых проб выдыхаемого воздуха, затем после пробного завтрака (молоко, соки и др.) и тестового субстрата (водного раствора мочевины, меченой 13C) в течение часа через каждые 15 минут. Берутся пробы выдыхаемого воздуха, с определением в нем при помощи масс-спектрометра измеряют содержание стабилизированного изотопа 13C (в норме не превышающего 1% от общего количества углекислого газа в выдыхаемом воздухе).

Кроме цитологического исследования и уреазного теста применяют микробиологические методы с посевом материала на питательные среды (и последующей оценкой на 3-5 сутки), гистологические методы, позволяющие обнаружить Нр в биоптатах с исследованием морфологических изменений. Иммунологические методы диагностики Нр-инфекции основываются на выявлении антител – IgA, IgG, IgM в сыворотке крови, секреторных IgA в слюне, в содержимом желудка.

Генетическими методами диагностики Нр-инфекции являются определение Нр методом полимеразной цепной реакции (ПЦР), а также выявление Нр методом молекулярной гибридизации ДНК, позволяющей идентифицировать различные штаммы возбудителя и контролировать лечение. Золотым стандартом диагностики Нр-инфекции считается морфологический метод – с определением возбудителя в биоптате.

Критерии диагностики
язвенной болезни

Основные:

1. Язвенный анамнез, включающий в себя:
 - сезонность;
 - цикличность;
 - характерную триаду Троицкого – наличие "светлых" промежутков (то есть безболезненность в течение суток (связь болевых ощущений с приемом пищи), в течение года (обострения весной и осенью), в течение жизни (периоды ремиссии до 2-3 и более лет).

Язвенная болезнь, в отличие от симптоматических язв, должна быть зарегистрирована при отсутствии другого заболевания, приведшего к образованию дефекта слизистой оболочки, при регистрации не менее 3-х обо-

стрений, подтвержденных ФГДС.

II. Данные ФГДС – наличие дефекта слизистой оболочки и других признаков язвы.

III. Рентгенологические "прямые" признаки – наличие "ниши", дефекта в области изъязвления, дефекта наполнения рубцового характера, регионарного "втяжения" или симптома "указующего перста", конвергенции складок на контуре ниши.

Дополнительные:

I. Симптомы локальной болезненности, в основном, симптом Менделя, а также пальпаторная болезненность в области язвенного дефекта.

II. Изменения перистальтики и тонуса органа (гипо-, гиперперистальтика).

III. Увеличение базальной и стимулированной секреции ("без кислоты нет язвы").

IV. Дополнительные рентгенологические признаки (см. соответствующий раздел выше).

V. Повышение уровня гастрина в сыворотке крови.

VI. Положительные пробы на Нр-инфекцию (см. соответствующий раздел выше).

Дифференциальная
диагностика

Учитывая обилие клинических вариантов ЯБ и обилие различных ее проявлений, необходимо проведение дифференциальной диагностики с целью исключения как симптоматических язв, так и других сходных по признакам заболеваний. Предложено выделять симптомокомплексы "правоподреберных болей", "загрудинных болей", "болей в спине", "кишечной диспепсии" в сочетании с болями или без них, "болей вокруг пупка" в сочетании с диспепсией или без таковой. "Правоподреберные боли" требуют обязательного проведения УЗИ, биохимических тестов, ФГДС и колоноскопии для исключения заболеваний пищеварительного тракта. "Загрудинные боли", в том числе боли за мечевидным отростком, требуют проведения ЭКГ, ЭхоКГ, эзофагоскопии, рентгенологического исследования и так далее для исключения ИБС (стенокардии), эзофагита, патологии плевры и бронхов, диафрагмы, перикардита и так далее. Боли в спине имеют место при язвенной болезни с локализацией язвы на задней стенке желудка, задней стенке луковицы 12-перстной кишки; при хроническом панкреатите (с преимущественным поражением тела или хвоста), при патологии забрюшинно расположенных органов – почки, аорты (аневризма, расслаивающаяся гематома), онкологической патологии (лимфогранулематоз, лимфома, саркома, опухолевые ретикулезы), патологии позвоночника (метаболически-дистрофическая или метастатическая с корешковым синдромом), требующих соответствующих обследований.

При симптомокомплексе кишечной диспепсии в сочетании

(Окончание на 5-й стр.).

Конспект врача

О ДИАГНОСТИКЕ И
ЛЕЧЕНИИ ЯЗВЕННОЙ
БОЛЕЗНИ ЖЕЛУДКА И
ДВЕНАДЦАТИПЕРСТНОЙ
КИШКИ(Окончание.
Начало на 4-й стр.)

с болями или без них требуют исключения язвенной болезни с высоко расположенными язвами желудка, антрального отдела, луковицы 12-перстной кишки, хронического колита, хронического холецистита с синдромом раздраженной толстой кишки, хронического панкреатита. Боли вокруг пупка с явлениями диспепсии или без таковой имеют место при язвенной болезни с локализацией в желудке – в пилороантральном отделе, при внепупочных язвах 12-перстной кишки и требуют исключения хронического юнита, хронического колита, другой патологии кишечника (неспецифический язвенный колит, болезни Крона).

Гастронома, происходящая из островковой зоны поджелудочной железы. При данном заболевании происходит выработка клетками опухоли вещества гастрин, вызывающего изъязвление слизистой оболочки с развитием синдрома Золлингера-Эллисона, характеризующегося:

- непрерывным течением язвенного процесса в желудке;
- отсутствием рубцевания язвенного дефекта;
- патологически высокой желудочной секрецией;
- частыми желудочно-кишечными кровотечениями;
- поносами и диареей (т.к. очень кислое содержимое желудка нейтрализуется содержимым 12-перстной кишки) на фоне высокой кислотности желудочного сока.

Лечение язвенной
болезни

По современным представлениям, ведущим звеном патогенеза язвенной болезни является нарушение равновесия между факторами кислотнопептической агрессии желудочного содержимого и элементами защиты слизистой оболочки желудка.

Агрессивное звено
язвообразования
включает:

- А)** гиперсекрецию соляной кислоты вследствие увеличения массы обкладочных клеток, гиперфункции гастрин, нарушения нервной и гуморальной регуляции;
- Б)** повышение выработки пепсина и пепсина;
- В)** нарушение двигательной функции желудка и двенадцатиперстной кишки (задержка или, наоборот, ускорение эвакуации из желудка).

В последние годы важнейшим агрессивным фактором язвообразования признан пилорический геликобактер (*Helicobacter pylori*) – микроорганизм, способный заселять слизистую оболочку желудка и метаболитизирующую слизистую оболочку двенадцатиперстной кишки.

К ослаблению защитных свойств слизистой оболочки желудка и двенадцатиперстной кишки могут вести различные факторы.

- А)** снижение выработки и/или нарушение качественного состава желудочной слизи (например, при злоупотреблении алкоголем);
- Б)** уменьшение секреции бикарбонатов (при хроническом панкреатите);
- В)** снижение регенераторной активности эпителиальных клеток;
- Г)** ухудшение кровоснабжения слизистой оболочки желудка;
- Д)** уменьшение содержания простагландинов в стенке желудка (например, при приеме нестероидных противовоспалительных препаратов).

Мнообразие различных патогенетических факторов язвенной болезни обусловило в свое время появление большого числа лекарственных препаратов, избирательно воздействовавших, как предполагалось первоначально, на те или иные патогенетические механизмы заболевания. Однако, эффективность многих из них, например, оксиферрикорбона натрия, в дальнейшем не была подтверждена.

